БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 118 (18.894). ● Пайшанба, 24 май 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети «Ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда мактабларнинг, барча тип ва номлардаги мактаб-интернатларнинг, музика мактаблари ва бадиий мактабларнинг, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг, болалар уйларининг, интернатларнинг, махсус таълим-тарбия муассасаларининг, мактабларарo ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг, ўқув-курс комбинатлари (ўқув пунктлари)нинг, техника мактабларининг ҳамда ишчиларга ишлаб чиқаришда ҳунар ўргатувчи бошқа ўқув юртларининг, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасаларининг, мактабгача болалар муассасалари, мактабдан ташқари муассасаларнинг ўқитувчилари, муаллимлари, тарбиячилари, раҳбарлари, бошқа педагог ходимлари ва таълим-ёрдамчи ходимлари учун, шунингдек ўқув-методика кабинетларининг методистлари ва раҳбар ходимлари, фильмотекаларнинг ходимлари учун,

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ, 23 май. 1984 йил. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПЛАНЕТА ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро Тошкент кинофестивалининг тантанали очилиши

Самимий, хушчақчақ, кўркам Тошкент дўстларни қучоқ очиб кутиб олди — шаҳар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар кино санъати намояндаларини саккизинчи марта бағрига олди. Инсонпарварлик ва социал адолат идеаллари билан жиплашган маслакдошлар кейинги икки йил ичида яратилган барча энг яхши асарларини кўрсатиш, тажрибани ўртоқлашиш, планетанинг тақдири тўғрисидаги фикр-ўйлар, орзу-умидларни ва бизнинг нотинч дунёмизда вужудга келаётган ташвишларни баҳам кўриш учун бу ерга келдилар. Улар халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни ва ишончни мустаҳкамлаш учун курашда кинокамерани ўз қуроли қилиб олиб, истеъдоди, илҳомини энг оммавий санъатга бағишламоқдалар.

Экран усталари Тошкент фестивалининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган олижаноб шиорида ўз муддаоларининг мужассам ифодасини кўрдилар. Бу фестиваль холис ниятли кишиларнинг орзу-умидларини ифода этади ва бутун дунёда унга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Биринчи кўрикда қирқ тўққиз давлат кинематографячилари 105 та лента олиб келишган эди. Қарийб юз мамлакат вакиллари, халқаро ва миллий ташкилотлар — БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин Озодлик Ташкилоти, Чили ватанпарвар кучлари ва Сальвадор ватанпарвар кучлари, Африка Миллий конгресси (Жанубий Африка), СВАПО вакиллари ҳозирги фестиваль қатнашчиларидир.

23 май куни В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида кинематографчилар халқаро учрашувининг тантанали очилиш маросими бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивали қатнашчилари ҳамда меҳмонларига йўллаган табрикономаси давомли қарсаклар билан қутиб олинди. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўқиб берди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу сўзларида тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда кинонинг ролига юксак баҳо берилган, экран усталари учрашувининг чуқур мазмуни ифода этилган.

— Партия ва давлат бошлиғининг фестиваль қатнашчиларига мурожаати халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва Ер юзида тинчликни барқарор қилиш тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан тўлиб-тошган, — деб таъкидлади кинофестивални оча туриб Ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова.

АҚШ маъмурияти бошчилигидаги империализм ва реакция кучлари кескинликни тўхтовсиз авж олдириб, инсониятни ҳалокатга бошлаётган бизнинг давримизда тараққийпарвар кинематографиянинг роли ортиб бормоқда. Бу кинематография миллион-миллион томошабинларга мурожаат этиб, урушни, эксплуатацияни, ирқий камситишни, миллий таққирлаш ва жабр-зулмни баралла лаънатламоқда. У тинчлик даракчиси бўлиб қолди, озодлик ва тенглик учун курашда, янги, бахтиёр ҳаёт барпо этишда халқларга ёрдам бермоқда. Ўз санъати билан ҳақиқат, эзгулик, социал адолат ғояларини қарор топтириш муддаоси Тошкентдаги анъанавий кинофестивалларнинг кўпчилик қатнашчиларини зўр обрў-эътиборга сазовор қилди, ҳар бир учрашув ўтган сайин анжуманнинг ўз обрў-эътибори ҳам ортиб бормоқда.

Кинофестиваль программаси ранг-барангдир. Программада «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуида анъанавий мунозара ўтказиш кўзда тутилган, бу программа анжуман қатнашчиларининг республика бўйлаб сафар қилишларига имконият беради. Бу галги анжуман Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилга тўғри келди. Меҳмонлар ҳам Ўзбекистон меҳнаткашлари шу шонли санани кутиб олишга қандай ҳозирлик кўраётганликлари билан, уларнинг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг улуғвор режаларини бажаришдаги муваффақиятлари билан, экономика, фан ва маданият соҳасидаги ютуқлари билан таниша оладилар.

Ташкилот комитетининг раиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан уч қитъа вакилларини самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ижодий муваффақиятлар тилади.

СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненкога табриконма ва фестивалга муваффақиятлар тилаб билдирган истаклари учун самимий миннатдорчилик изҳор этди.

— Биз мураккаб, ташвишли замонда яшамоқдамиз, деб таъкидлади у. — Империализмнинг айби билан халқаро вазият ниҳоятда кескинлашиб қолди. Реакция кучлари космосни ҳарбийлаштиришга ошкора тайёргарлик кўрмоқда. Планетамизнинг турли томонларида қуролли можаролар манбалари сусаймаяпти. Бундай шароитда Ер юзидаги ҳар бир соф виждонли киши лоқайд кузатувчи бўлиб қолиши мумкин эмас. Бинобарин, биз кинематографиячилар ҳам тинчлик ва инсонпарварликни ҳимоя қилишга қаратилган дангал сўзимизни айтишимиз, ўз асарларимиз ва жамоат фаолиятимиз билан келгуси авлодларнинг яшаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилишимиз лозим.

Кино санъатига жуда катта эътибор бериш — совет анъанамиз бўлиб қолган. Кинони санъатлар ичида энг муҳими деб ҳисоблаган улуғ Ленин кино санъати сарчашмаларида турган эди. Кинематографиянинг ишонтириш кучи ва қудрати жуда зўрдир. Фестиваль экрани бой ва ранг-барангдир. Биз аминмизки, бундан аввалги анжуманлар сингари ҳозирги анжуман ҳам турли мамлакатларнинг кинематографиячиларига иш тажрибасини ўртоқлашиш, ижодий алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш имконини беради, тараққийпарвар санъатни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Тошкент уч қитъа халқаро кинофестивалини яна кутиб олмоқда, — дейди СССР кинематографячилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати Л. А. Кулиджанов. — Бугунги кунда ана шу уч қитъанинг ҳар бирида қон тўкилмоқда, ҳар бирида тўплар отилмоқда. Шундай экан, кинематограф замонамизнинг ташвишга солувчи проблемаларидан четда туриши мумкин эмас.

Тошкент фестивали — ўзининг демократизми билан қойил қолдирадиган алоҳида фестивалдир. Бу фестиваль ҳақиқатдан ҳам дастлабки қадамлар қўяётган ёш кинематографиялари ҳам, санъати бутун дунёда эътироф этилган қудратли кинематография давлатларини ҳам йиғмоқда.

Лекин биз фикр-мулоҳазаларимизни баҳам кўриш, фильмларни айрибошлаш, тажрибамизни ўртоқлашиш учунгина эмас, шу билан бирга санъатимизни бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган воқеаларни акс эттирадиган ва унга таъсир ўтказишга қодир бўлган янада жанговар, фаол ва таъсирчан санъатга айлантириш тўғрисида фикр юритиб ўйлаб кўриш учун бу ерга келганмиз. Бинобарин бу фестиваль адолат, социал тараққиёт учун. Ер юзида тинчлик учун курашда кўмаклашадиган бўлса, биз ўзимизни гоят бахтиёр, деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистон пойтахтида бўлганимизда бу ажойиб шаҳар учрашувга қандай тайёргарлик кўрганини ҳис этдик — Тошкент ва тошкентликлар ҳаммамизни самимий, зўр ғамхўрлик, эътибор билан кутиб олдилар. Самимий сидқидиллик учун сизнинг номингиздан меҳмондўст мезбонларга миннатдорчилик билдиришга ва чин қалбдан «Раҳмат!» дейишга рухсат бергайсиз, деди сўзининг охирида нотиқ.

(Давоми иккинчи бетда).

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент шаҳридаги VIII халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларига

Совет Ўзбекистони пойтахтида йиғилган VIII халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар кино санъатида нотинч дунёмиз ҳаққоний акс эттирилмоқда, бу дунёда ақлидрок ва бунёдкорлик кучларининг телбалик ва вайронгарчилик кучларига қарши кураши давом этмоқда.

Тошкентдаги анъанавий кино кўригига тақдим этилган фильмлар миллионлаб кишиларга социал адолат, инсонпарварлик, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликнинг улуғ ғояларини етказаётганлиги жуда муҳимдир.

Холис ниятли кишиларнинг коллектив куч-ғайрати билан тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкинлигига ишончимиз комил. Бунга ишонибгина қолмай, Совет Иттифоқи империалистларнинг ҳукм ўтказиш ва зўравонлик сиёсатига қатъияни қарши чиқиб, кескинликни юмшатиш учун, қуролланиш пойгаси тўхтатилиши учун, барча халқларнинг суверен ҳуқуқлари қатъий ҳурмат қилиниши учун курашиб келмоқда.

Кино санъати ядро уруши хавфига қарши, инсониятнинг бахтиёр ва порлоқ келажаги учун курашда планетадаги прогрессив кучларни бирлаштиришга бундан буён ҳам хизмат қилаверсин.

Кинофестивалнинг тўла муваффақият қозонишини, унинг қатнашчилари эса янги-янги ижодий ютуқларга эришишларини тилайман.

К. ЧЕРНЕНКО

Кремлда, Катта Кремль саройи олдидаги майдонда кутиб олиш.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси (ТАСС—ЎзТАГ).

ДЕЛЕГАЦИЯ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси 23 май куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Вокзалда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Автомашиналар кортежи мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида вокзалдан Кремлга йўл олади.

Кремлда, Катта Кремль саройи олдидаги майдонда Ким Ир Сенни, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко самимий табриклаб кутиб олди.

Кремлдаги кутиб олиш маросимида Н. А. Тихонов, М. С. Горбачев, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

22-23 май кунлари КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари экономика бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Партия комитетлари экономика бўлимларининг Марказий Комитет 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қонда ва хулосалар асосида иқтисодий ва социал ривожланиш планлари қандай амалга оширилаётганлиги устидан контроллиқни кучайтириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков доклад қилди. Иқтисодий бўлимларнинг иш формалари ва методлари тўғрисидаги тажриба ўртоқлашилди.

(ТАСС).

МИНИСТР ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Москвага келган Германия Федератив Республикаси федерал канцлерининг ўринбосари, федерал ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер 22 май куни ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советида

(Бошы биринчи бетда).

АССР министрликлари, халқ маорифи, ҳунар-техника таълими бўлимлари (бошқармалари)нинг инспекторлари ва халқ депутатлари район ҳамда шаҳар Советлари ижроия комитетлари халқ маорифи бўлимларининг раҳбар ходимлари учун иш ҳақи ва мансаб окладларининг янги оширилган ставкаларини жорий этиш кўзда тутилган.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи муассасалари бошқа ходимларининг ставкалари билан мансаб окладлари қуйидаги миқдорда оширилади:

«СССР халқ ўқитувчиси» унвонига эга бўлган кишилар учун — ойига 50 сўм;

«Хизмат кўрсатган ўқитувчи» — «Ҳунар-техника таълими хизмат кўрсатган мастери» унвонлари ва бошқа айрим фахрий унвонларга эга бўлган кишилар учун — ойига 30 сўм оширилади. Фан доктори ёки кандидати илмий даражасига эга бўлган мазкур ходимларнинг ставкалари ва мансаб окладлари ҳам оширилади.

I—IV синф ўқитувчиларининг иш ҳақи ставкалари ҳафтасига 20 соат муаллимлик иши учун тўланади, деб белгилаб қўйилди.

Иттифоқдош ҳамда автоном республикаларнинг маориф министрликлари, олий ва ўрта махсус таълим министрликларига, халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар (Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари бўлган шаҳарлар), ижроия комитетлари халқ маорифи бўлимлари (бошқармалари)га, иттифоқдош республикалар ҳунар-техника таълими давлат комитетларига, республика (АССР), ўлка, область, шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаларига, шунингдек қарамоғида умумий таълим мактаблари барча тип ва номлардаги мактаб-интернатлар ҳамда болалар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари бўлган министрликлари билан идораларга:

а) аттестация натижаларига қараб умумий таълим мактабларининг, барча тип ва номлардаги мактаб-интернатлар ва болалар уйларининг, ҳунар-техника ўқув юртларининг, мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тарбиячиларига «Методист-тарбиячи» унвонини; ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг муаллимларига «Методист-муаллим» унвонини, ҳунар-техника ўқув юртларида эса бундан ташқари «Катта муаллим» унвонини; умумий таълим мактабларининг, мактаб-интернатлар ва болалар уйларининг катта пионервожатийларига «Методист — катта пионервожатий» унвонини беришга рухсат этилди.

СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда ВЦСПС билан биргаликда мазкур ходимларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш топширилди;

б) «Методист-ўқитувчи», «Методист-муаллим» унвонига эга бўлган ходимларнинг иш ҳақи ставкаларини ойига 25 сўм, «Катта ўқитувчи», «Катта муаллим», «Методист-тарбиячи», «Методист-катта пионервожатий» унвонига эга бўлган ходимлар иш ҳақи ставкаларини ойига 15 сўм ошириш учун умуман республика, ўлка, область, шаҳар, район, министрлик, идора бўйича ўқитувчилар, муаллимлар, тарбиячилар ва катта пионервожатийлар иш ҳақи умумий фондининг 3 процентига кадар сарфлашга рухсат берилди.

СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига ўқитувчилар, муаллимлар, катта пионервожатийлар, тарбиячиларни аттестациядан ўтказишнинг самарадорлигини ошириш, уларга берилган «Методист-ўқитувчи», «Методист-муаллим», «Катта ўқитувчи», «Катта муаллим», «Методист-тарбиячи», «Методист-катта пионервожатий» унвонлари қайта аттестациядан ўтказиш натижасида ишдаги жиддий камчиликлар аниқланган тақдирда олиб ташланиши мумкинлигини белгилаб қўйиш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикалар ҳунар-техника таълими давлат комитетларига, республика (АССР), ўлка, область ва шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаларига ишлаб чиқариш таълимининг юқори малакали мастерларига аттестациядан ўтказиш натижаларига қараб «I категория ишлаб чиқариш таълими мастери» ва «II категория ишлаб чиқариш таълими мастери» унвони беришга рухсат этилди.

СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига аттестация натижаларига қараб юқорида айтиб ўтилган унвонлар бериладиган ишлаб чиқариш таълими мастерларига нисбатан малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва ВЦСПС билан келишиб уни тасдиқлаш топширилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, «I категория ишлаб чиқариш таълими мастери» унвонига эга бўлган ходимларга ойига 30 сўм миқдорида, «II категория ишлаб чиқариш таълими мастери» унвонига эга бўлган ходимларга эса ойига 15 сўм миқдорида мансаб окладига қўшимча ҳақ тўланади.

Қарорда қуйидагиларга қўшимча ҳақ тўлаш белгиланган:

умумий таълим мактабларининг ўқитувчиларига (барча типлардаги мактаб-интернатлар, санаторий-ўрмон мактаблари, ўқув йилида 28 ҳафтага мўлжалланган ўқув плани бўйича ишлаётган кечки (сменали) ўрта умумий таълим мактаблари, сиртқи мактаблар ва бўлимлардан ташқари I—IV синфларда синф раҳбарлиги учун — ойига 20 сўм, V—XI (XII) синфларда синф раҳбарлиги учун — 30 сўм, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг муаллимлари учун ойига 20 сўм миқдорида;

умумий таълим мактаблари ҳамда барча тип ва номлардаги мактаб-интернатлар I—IV синфларининг ўқитувчиларига дафтарларни текширганлик учун — ойига 15 сўм миқдорида;

умумий таълим мактаблари ҳамда барча тип ва номлардаги мактаб-интернатлар V—XI (XII) синфларининг ўқитувчиларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг муаллимларига рус тили, она тили ва адабиётдан ёзма ишларни текширганлик учун ойига 20 сўм, математикадан ёзма ишларни текширганлик учун — 15 сўм, чет тили ва стенографиядан ёзма ишларни текширганлик учун — 10 сўм миқдорида;

ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг муаллимларига чизмачилик ва техник-механика (конструкциялаш)дан ёзма ишларни текширганлик учун — ойига 10 сўм миқдорида;

умумий таълим мактаблари ўқитувчиларига ва ўрта ҳунар-техника билим юртлари умумий таълим фанларининг мўаллимларига ўқув кабинетларининг мудирлиги учун — ойига 10 сўм миқдорида;

ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг муаллимларига (ўрта ҳунар-техника билим юртларида умумий таълим фанларининг муаллимларидан ташқари), ўқув кабинетлари ва лабораторияларнинг мудирлиги, предмет, цикл ва методика комиссияларига раҳбарлик учун — ойига 15 сўмдан 20 сўмгача қўшимча ҳақ тўланади.

Ўрта махсус ўқув юртларининг муаллимларига кечки, сиртқи бўлимга ва ихтисос бўйича бўлимга мудирлик учун;

санъат ходимлари тайёрлайдиган ўрта махсус ўқув юртларининг ва педагогика билим юртлари музика бўлимларининг муаллимларига бўлим мудирлиги учун;

умумий таълим мактабларининг ўқитувчиларига таълим-тажриба участкалари мудирлиги учун;

меҳнат таълими ўқитувчиларига мактаблар ва мактаб-интернатларда таълим устахоналарининг мастери вазифасини бажарганлик учун;

педагог ходимларга умумий таълим мактаблари ва мактаб-интернатларда ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш юзасидан синфдан ташқари ишларни ўтказганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилган.

Ўқитувчиларнинг ва халқ-маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақи ҳар хил турдаги қўшимча ҳақларни ва иш ҳақи ставкалари билан мансаб окладлари оширилганлигини ҳисобга олганда ўрта ҳисобда 30-35 процент кўпаяди.

Юқори бошқарув органларига тарбия ва таълим ишлари самарадорлиги ҳамда сифатини оширишда энг юқори натижаларга эришган халқ маорифи муассасаларининг коллективларини ва айрим педагог ходимларни рағбатлантириш учун ана шу органларга қарашли муассасаларнинг иш ҳақи фондини тежашдан олинган маблағларнинг бир қисмини тегишли касаба союз комитетлари билан келишган ҳолда сарфлашга рухсат этилди, аммо бу иш ҳақининг пландаги йиллик фонди 1,5 процентидан ошмаслиги черак.

Планлаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилган корхоналар ва ташкилотларнинг директорларига ишлаб чиқариш таълими мастерлари сифатида умумий таълим мактабларига ҳамда ўқувчилар меҳнат таълими ва уларга касб танлашни ўргатиш мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига юборилган малакали ишчилар ва инженер-техник ходимларга меҳнат коллективининг розилиги билан корхона ҳамда ташкилотларнинг моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан мукофот тўлаш ҳуқуқи берилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ушбу қарорда кўзда тутилган шартлари мактабларнинг ҳамда қайси идораларга бўйсунишидан қатъи назар халқ маорифи бошқа муассасаларининг ходимлари учун белгиланади.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, мазкур қарорга мувофиқ иш ҳақи ва мансаб окладларининг янги ставкалари жорий этилганлиги билан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги бошқа шартлари, шунингдек ставкалар ва окладларни қўлланиш тартиби сақлаб қолинади (ушбу қарорда кўзда тутилган ўзгаришлар бундан мустаснодир).

Барча типлардаги умумий таълим мактаблари бошланғич синфларининг ўқитувчилари учун, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, гўдаклар уйлари ўқитувчилари, раҳбар ходимлари ва бошқа педагог ходимлари учун янги ставка ва окладлар белгиланиб, шунингдек барча турдаги қўшимча ҳақ ва устама ҳақлар жорий этилгач, меҳнатга ҳақ тўлашнинг шу қарорда кўзда тутилган шартларини 1984 йил 1 сентябрдан татбиқ эта бошлаш кўзда тутилган. Халқ маорифи ходимлари бошқа категорияларининг иш ҳақи ставкалари ва мансаб окладларини кейинги йилларда босқичма-босқич, мамлакатнинг шимолий ва шарқий районларидан бошлаб фаолият соҳаларига қараб ошириш мўлжалланди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига ходимларнинг иш ҳақи ставкалари ва мансаб окладларини оширганда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, халқ маорифи муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, халқ маорифини бошқариш структурасини қулайлаштириш, ходимлар сонининг прогрессив нормативларини жорий этиш, бошқарув аппаратидаги ортиқча штатларни тугатиш ва унга бўладиган харажатларни камайтириш тадбирларини амалга ошириш тавсия этилди.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши педагоглар меҳнати самарадорлигини янада оширишга, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашади, деб ҳисоблайдилар.

Қишлоқларга сув келди

● 14 километрли қувур ер бағридан Қорақалпоғистоннинг «Тошкент» ва Гагарин номли совхозлари посёлкаларига тоза сув келтирди. У Шуманай чўлларида пармаланган иккита қудуққа уланди. Магистрал орқали ҳар бир соатда 170 куб метр сув берилмоқда.

Йил бошидан бери Ўзбекистон колхозлари ва совхозларининг буюртмаларига биноан шу билан 12-водопровод қурилди. Яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмасининг мутахассислари ер остидан узунлиги 70 километрга борадиган қувур—ариқ ўтказдилар.

Қишлоқ посёлкаларини сув билан таъминлаш инженерлик системаларининг қурувчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мусобақани авж олдириб юбордилар. Мелиораторлар шу йил республиканинг қишлоқлари учун кўп километрли водопровод қуришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро Тошкент кинофестивали

ҚИТЪАЛАР УЧРАШГАНДА

(Бошы биринчи бетда).

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Ломакин кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари номидан табриклайди.

— Ишчилар синфи вакили бўлмиш мен учун шунисси, айниқса, қувончлики, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII халқаро кинофестивали республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зўр завқ-шавқ билан ҳозирлик кўраётган шонли бир пайтда ўтмоқда. Фестиваль очилишига бағишланган шодиёна байрам меҳнат аҳлининг улуғ дўстлити ва қардошлиги сарчашмасида турган Владимир Ильич Ленин номидаги СССР халқлар дўстлиги саройида ўтаётганлиги ҳам чуқур рамзий маънога эга. Кинофестивалнинг: «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган шиори равшан ва олижаноб дир! Биз аминмизки, уч қитъа кино санъати намояндаларининг учрашуви бу гал ҳам дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муҳитида ўтиб, планетада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг социал ва маданий ривожланишига кўмаклашади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Қ. Ҳабибуллаев

ПЛАНЕТА ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

республика олимлари, барча знёлилари номидан меҳмонларни сидқидилдан табриклади.

— Совет Ўзбекистонида бўлган вақтингизда, — деди у, кино санъати арбобларига мурожаат этиб, — сизлар меҳнат коллективларининг вакиллари билан, фан ва маданият арбоблари билан учрашиш имкониятига эга бўласизлар. Бизнинг мушторак бурчимиздир.

Олим прогрессив кино усталари тўпланган VIII Тошкент халқаро кинофестивали тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун курашда тинчлик. севар кучларни бирлаштириш соҳасида муҳим қадам бўлиб қолади, деб ишонч билдирди.

— Ўзининг 2000 йиллик даврасидир. Фестиваль демократик руҳи билан диққатга сазовор. Бу ерда яқиндагина ўзининг дастлабки бадиий картиналарини суратга олишга муваффақ бўлган мамлакатлар бой тажрибага эга бўлган давлатларнинг санъаткорлари қаторида теппа-тенг қатнашмоқда. Мисол учун бизнинг кино санъатимиз ҳам ҳали анча ёш бадиий маданият. Биз чет эллик дўстларимиздан, биринчи навбатда машҳур совет санъаткорларидан кўп нарсалар ўрганишимиз керак. Бу ишда бизга Тошкент кинофестивали яқиндан ёрдам берётир. Айниқса, анжуман кунлари ўтказилаётган «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кининг роли» мавзуидаги давра суҳбатидан миннатдормиз. Бу дўстлик гурунги ҳозирги замон санъаткорининг давр, инсоният олдидаги бурчини янада чуқурроқ англатмоқда.

Фестиваль экранига «Қочиш» деган фильм билан келганмиз. Асарда инқилоб душманларининг найрангига учган ва алданган кишиларнинг чет мамлакатларга бориб қолиши, у ерлардаги машаққатли, оғир қисмати, уларнинг кейинчалик хатосини тўғри тушуниб она-Ватанига қайтиб келиши ҳақида ҳикоя қилинади. Картинамиз фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига, ўзбекистонлик дўстларимизга маъқул бўлса, ўзимизни бахтиёр ҳис қилган бўлур эдик.

кент киноанжуманининг ажойиб анъаналари холис ниятли барча кишиларга азиз ва қадрлидир. Биз, тошкентлик ёшлар учун кино усталари билан учрашувлар — чексиз билиш йўлида қўйилган янги қадамлардир, фестивалнинг энг яхши лента лари бизни ҳаётнинг моҳияти тўғрисида, планетанинг келажагида ёшларнинг роли ҳақида чуқурроқ ўйлашимизга мажбур этади. Биз ҳам инсониятнинг энг порлоқ идеаллари учун кураш пафоси билан тўлиб-тошган янги асарларни кутмоқдамиз. Реакция ва империализм кучлари дунёни ҳалокатга бошлаётган бутунги кунда халқаро кинофестиваль қатнашчилари халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ни мустаҳкамлашга, ер юзида тинчлик ғояларини қарор топтиришга бутун куч ва истеъдодини бағишлайдилар, деб умид қиламиз.

Уч қитъа кинематографиячилари делегацияларининг вакиллари кинофестиваль байроғини кўтарадилар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг саккизинчи халқаро кинофестивали очилди.

Кино анжуманининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси билан Ўзбекистон ССР раҳбарлари иштирок этдилар.

Шу куни кинофестиваль қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

Совет ва чет эл журналистлари учун биринчи матбуот конференцияси ўтказилди.

(ЎзТАГ).

Танишинг:

АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИ

Суратда: кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларидан бир группаси. Чапдан ўнгга: Экваториал Гвинея республикаси информация, туризм ва маданият министрлигининг бўлим мудири Альберто Нгема Ондо, экваторлик режиссёр Моника Васкес, тожикистонлик актёр Баҳром Акромов, Экваториал Гвинея республикасидан кинопрокат ходими Ингонга Нчама, москвалик киношунос Татьяна Яковлева, Чили режиссёри Себастьян Аларкон.

В. Молгачев фотолари.

Фестиваль минбари

ИНҚИЛОБИЙ САЛОМ

Абдул Ҳаким ХОЛИҚ,
Афғонистон Демократик Республикаси Кинематографчилар союзининг раиси

Яқинда республикамизда Савр инқилобининг 6 йиллигини нишонладик. Бу тарихий воқеа олдидан кинематографчиларимиз ҳам янги-янги асарлар суратга олдилар. Аввал экранлаштирилган энг яхши фильмларимиз юбилей кунларида намойиш этилди. Ана шу тантаналар вақтида, фильмлар намойиш этилаётганда, асарларнинг ижодкорлари билан бўлган учрашувларда мамлакатимиз кишилари, хусусан, кинематографчилар бўлажак Халқаро Тошкент кинофестивали ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Шунда санъат мухлислари ўзбекистонликларга, кинофестиваль Бош дирекциясига, кинофорум қатнашчилари ва меҳмонларига ўзларининг инқилобий қалб саломларини айтишимизни илтимос қилдилар. Биз, кинофестивалда қатнашгани келган афғонистонлик меҳмонлар ана шундай шарафли топшириқни бажараётганлигимиздан хурсандмиз. «Совет Ўзбекистони» газетхонларига ҳам афғонистонлик дўстларининг қалб саломларини етказамиз.

Тошкент кинофестивали дунёдаги энг нуфузли, тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш ишига энг катта ҳисса қўшаётган кинофорум сифатида бизга ҳам азиз ва қадрдондир. Унинг даъвати улуғвор, унинг экрани тараққийпарвар кишилик маданиятининг ўзига хос кўзгуси, унинг давраси беғубор дўстлик даврасидир. Фестиваль демократик руҳи билан диққатга сазовор. Бу ерда яқиндагина ўзининг дастлабки картиналарини суратга олишга муваффақ бўлган мамлакатлар бой тажрибага эга бўлган давлатларнинг санъаткорлари қаторида теппа-тенг қатнашмоқда. Мисол учун бизнинг кино санъатимиз ҳам ҳали анча ёш бадиий маданият. Биз чет эллик дўстларимиздан, биринчи навбатда машҳур совет санъаткорларидан кўп нарсалар ўрганишимиз керак. Бу ишда бизга Тошкент кинофестивали яқиндан ёрдам берётир. Айниқса, анжуман кунлари ўтказилаётган «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кининг роли» мавзуидаги давра суҳбатидан миннатдормиз. Бу дўстлик гурунги ҳозирги замон санъаткорининг давр, инсоният олдидаги бурчини янада чуқурроқ англатмоқда.

Фестиваль экранига «Қочиш» деган фильм билан келганмиз. Асарда инқилоб душманларининг найрангига учган ва алданган кишиларнинг чет мамлакатларга бориб қолиши, у ерлардаги машаққатли, оғир қисмати, уларнинг кейинчалик хатосини тўғри тушуниб она-Ватанига қайтиб келиши ҳақида ҳикоя қилинади. Картинамиз фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига, ўзбекистонлик дўстларимизга маъқул бўлса, ўзимизни бахтиёр ҳис қилган бўлур эдик.

Суратда: таниқли ҳинд киноактрисалари тошкентлик студентлар даврасида. Рожа Лакшми Сурека ва Пебмини

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

«КИНОФЕСТИВАЛЬ ЙЎЛДОШИ»

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивали вакилларини зўр хушнудлик билан кутиб олди. Тошкент уч қитъа киносанъаткорларини саккизинчи бор муборакбод этмоқда. 1968 йилда ўтказилган биринчи кинофестивалда икки қитъанинг 49 мамлакатидан вакиллар келган бўлса, бу сафарги учрашувда 100 га яқин мамлакат, халқаро ва миллий ташкилотлари арбоблари иштирок этмоқдалар. Фестиваль байроғига «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори ёзиб қўйилган.

Анъанага кўра, Тошкент кинофестивали кунлари «Кинофестиваль йўлдоши» деб номланувчи журнал нашр этилади. У — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент халқаро кинофестивалининг бош дирекцияси нашридир. 23 май куни «Кинофестиваль йўлдоши»нинг биринчи сони босмадан чиқди. Унда СССР Кинематография союзи правлениесининг секретари, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Герасимов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. Козимовнинг табрик сўзларини ўқийсиз. СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Е. Велихов, СССР халқ артисти, Ўзбекистон Кинематография союзи правлениесининг биринчи секретари М. Қаюмов, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Азимов ва бошқа санъаткорларнинг мақолаларида уч қитъа санъаткорларининг дўстлигини мустаҳкамлашда Тошкент фестивалининг ролига катта баҳо берилади.

«Кинофестиваль йўлдоши» журналининг илк сонида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари киноолам идаги янгиликлар, республикамиз меҳнаткашлари вакилларининг дил сўзлари баён этилган табриклар эълон қилинди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида ўтказилаётган Тошкент халқаро кинофестивали халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленумининг икки йиллигига

ИЗЛАНИШ ҚИРРАЛАРИ

Коммунист Тувоқмурод Таганмуротовни колхозимизда ҳамма ғайратли, ташаббускор, принципиал раҳбар сифатида танийди. Бундан ўн йил муқаддам у қолоқ бригадаларнинг бирига бошлиқ қилиб юборилган эди. Ўтган давр ёш коммунист учун камолотнинг ўзига хос йўлини собитқадам босиб ўтиш палласи бўлди. Шу йиллар ичида у Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил кўрди. Билимни мўл ҳосил усталарининг тажрибаси билан омухта қилиб, ҳосилдорликни ошириш йўлида иш олиб борди. Бригада аъзолари тўғрисида ғамхўрлик, уларнинг эҳтиёжини, қизиқишларини қунт билан ўрганиш ва ҳамиша ҳозиржавоблик Таганмуротовга обрў-эътибор келтирди. Ниҳоят, у колхоз бош агрономлигига тасдиқланди.

Партия комитети кадрларнинг камолоти тўғрисида тинмай ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг ишчанлик маҳоратини, умумий тайёргарлигини, одамлар билан тарбиявий ва ташкилотчилик ишларини олиб бориш лаёқатини чиниқтириш йўлини изчил ўтказмоқда. Шу туфайли хўжалигимиз ишлаб чиқаришининг барча участкалари малакали мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланмоқда. Ражаббой Рўзимбетов узоқ муддат ветеринария техниги вазифасида ишлади. Кейин Қозон ветеринария институтига кириб ўқий бошлади. Партия комитети сиртдан билим олаётган ёш мутахассисни бош зоотехник лавозимига тавсия этди.

Еки ўрта махсус маълумотли агроном Йўлдош Исаевни олайлик. У ҳам пахтачиликни юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқда. У бошлиқ бўлган Калинин номли участкада кейинги йилларда ҳосилдорлик 2,5 баробар ошди. Мана шу муваффақиятлари учун унга «Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берилди. Ўрта бўғин кадрларидан Юсуф Арозбердиев, Сари Қақаев, Сейит Аширматов, Дўсмамат Қулмановлар ҳам Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлида ташаббускорлик ва жонкуярлик кўрсатмоқдалар. Улар раҳбарлик қилаётган бўлимларда ҳар йили 30—35 центнердан қўриқ пахтаси етиштирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко меҳнаткашлар билан сайловолди учрашувида сўзлаган нутқида ҳозирги босқичда раҳбар кадрлар масъулиятига алоҳида тўхталиб ўтди. «Раҳбарнинг кучи, — деб кўрсатди ўртоқ К. У. Черненко, — мансаб обрўсини шахсий обрў-эътибор билан бир бутун қилиб, қўша билишидадир». Партия ташкилотимизда мутахассис ва раҳбар кадрлар аввало жонли жамоат ишида, ўзига кўрсатилган ишончни оқлаш йўлидаги амалий ташкилотчилик фаолияти жараёнида ўзларининг бутун иқтидорларини намойиш этишлари, билим ва тажрибаларини ишга солишлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилинмоқда. Биз кадрларни ўзига кўпроқ талабчан бўлиш руҳида тарбиялямоқдамиз. Худди мана шу фазилат меҳнат коллективларига раҳбарлик қилишдан иборат ғоят катта ишни муваффақиятли бажариш учун маънавий ҳуқуқ бериши уларга тинмай уқтирилаётир.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик мутахассисларининг бўлимлар, бригадалар, фермалар ва ишлаб чиқариш ўрта бўғинининг бошқа бўлинмаларига ўтиб ишлашини рағбатлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларига биноан партия ташкилотлари ва хўжалик органларининг муҳим вазифалари белгиланиб қўйилди. Партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим участкаларига етакчилик қилиш, деҳқончилик ва чорвачиликни интенсивлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиш ҳақида қилган даъватини колхозимиз мутахассислари ҳам қизғин кутиб олишди. Бу масала партия комитетида атрофлича муҳокама қилинди, энг муҳим участкаларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан бирмунча олис истиқболни мўлжаллаб план тузиб олдик. Агрономлар, чорва мутахассислари, инженерлар бригада, бўлим ва участкаларга ўтиб ишлаш ташаббуси билан чиқа бошлашди. Барча бригадирлар, ферма мудирлари, бўлим бошқарувчилари, мутахассислар партия комитети номенклатурасига олинди. Бу кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш билан бирга уларнинг обрў-эътиборини ҳам оширди.

Ҳозирги пайтда йигирма бешта пахтачилик бригадасидан учтасига олий, ўн биттасига ўрта махсус маълумотли мутахассислар бошчилик қилишмоқда. Кадрларимизнинг ҳаммаси сиёсий, иқтисодий таълим мактабларида ўз билимларини муттасил ошириб бораётирлар. Бу ўқувлар уларнинг топширилган иш участкасига малакали раҳбарлик қилишлари, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишларида катта ёрдам беряпти.

Ўрта бўғин кадрлари партия комитети, бошқа жамоат ташкилотлари топшириқларини ҳам муваффақиятли бажариб, коллективимизнинг иқтимоий ҳаётида актив қатнашаётирлар. Бригада бошлиқларидан бир киши райком аъзолигига, икки киши колхоз партия комитети аъзолигига сайланган. Цех партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари етакчилари орасида ҳам ўрта бўғин кадрлари ва мутахассисларининг салмоғи катта.

Шу ўринда яна бир тажриба хусусида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Мен партия комитетимизда қарор топган ўрта бўғин кадрлари ва мутахассисларини белгиланган муддатларда аттестациядан ўтказиб туриш тажрибасини қўзда тутяпман. Аттестация комиссияси сўнгги бор иш олиб борганига бир йилдан сал ошди. Ушанда йигирма беш бригадирнинг орасидан йигирма уч киши эгаллаб турган вазифасига лойиқ деб топилди. Ишлаб чиқаришда салмоқли тажриба орттирган икки киши хўжаликнинг бош мутахассислигига, бир киши участка, уч механизатор эса, пахтачилик бригадасининг бошлиқлигига тавсия этилди. Аттестация комиссиясининг кадрлар лаёқатини қунт билан ўрганиш, уларнинг ишчанлик ва ташкилотчилик малакасини холисона баҳолаш соҳасидаги иши ўз самарасини кўрсатмоқда.

Шуни айтиш керакки, қишлоқда катта иқтисодий ва социал ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базаси муттасил мустаҳкамланмоқда. Бошқарувнинг барча бўғинларига қўйилаётган талаблар ортиб бормоқда. Бинобарин, кадрларда ўз билимини, малакасини муттасил ошириб бориш эҳтиёжини тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этаётир. Партия комитети шуни назарда тутиб, кадрларни босқичма-босқич ўқитиш, қайта тайёргарликдан ўтказиш чораларини кўряпти. Ҳозирги пайтда хўжалигимизнинг турли участкаларида ишлаб турган ўн тўрт раҳбар ходим олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан билим олмоқда. Шу билан ҳам кифояланмай, биз мактабларни битириб чиқаётган йигит-қизларни ҳунар-техника билим юртларига юбориб ўқитмоқдамиз, ҳозирги кунда қирқ икки ёш ҳунар-техника билим юртларида ўқиб турибди. Бу ўрта бўғин кадрлари сафини янги кучлар билан тўлдиришнинг мустаҳкам резервидир.

Биз шуни ҳам яхши биламизки, кадрлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятимизда ҳали муайян камчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзи ходимлар ўзларига билдирилган юксак ишончни тўла оқламай, ишда сусткашликка йўл қўяётирлар. Айрим бригада бошлиқларимиз, механикларнинг бир қисми зарур тажрибага эга эмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш, пахтачиликни юксалтириш, Озиқ-овқат программасини изчил амалга оширишнинг янги-янги резервларини қидириб топиш ва ишчанлик билан ҳаракатга келтириш учун курашда ўрта бўғин кадрларимиз ва мутахассисларимизнинг ҳаммаси ҳам зарур ташаббускорлик, ижодкорлик кўрсатмаётир. Биз уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, самарали иш олиб боришлари учун зарур шарт-шароит яратиш тўғрисида етарли ташкилотчилик ишларини олиб бормаётирмиз.

Партия комитети мана шу нуқсонларни тугатиш, кадрлар билан олиб бориладиган ишларни кескин яхшилаш масалаларини изчил ҳал этмоқда. Биз ўрта бўғин кадрлари ва мутахассисларининг ўз иш участкасидаги аҳвол, КПСС Устави талабларини бажариши билан боғлиқ ҳисоботларини муттасил эшитиб боряпмиз. Бундай муҳокамалар кадрларимизда ўз ишига танқидий назар ташлаш, эришилган натижаларни холис баҳолаб, ишга солинмаган резервларни аниқ илғаб олиш фазилатини тарбиялашга ёрдам бермоқда. Натижада хўжалигимиз экономикаси муттасил юксалиб бораётир. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида давлатга пландагидан деярли минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб берилди. Кейинги беш йил ичида гўшт етиштириш 32,5, сут — 36, тухум — 28, пилла—50, сабзавот маҳсулотлари — 92 процент кўпайди.

Колхозимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун умумхалқ мусобақасида фаол қатнашмоқдалар. Юбилей йилида пахта ҳосилдорлигини 43 центнерга етказиш, бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш учун қизғин иш олиб бораётирмиз. Бунда раҳбар ва мутахассис кадрларнинг ташкилотчилиги, ишга ижодий ёндашуви ўзининг самараларини бермоқда.

Т. ОТАБОЕВ,
Эллиққалъа районидаги Калинин номли колхоз партия комитетининг секретари.

Мусобақадошлар

Пахтачи районидаги «Самарқанд» колхозида оралиқ экин — перкодан мўл ҳосил етиштирилди. Шу кунларда перко экилган далаларда иш қизғин. Механизаторлар ўримнинг кун сайин қизитмоқдалар. Сервитамин озуқа пешма-пеш фермаларга ташилмоқда.

— Перко ўрими бошланиб, озуқа рациони янада бойиди. Оғзи кўкка теккан сигирлар сутини тобора кўпайтирмоқда, — дейди бош зоотехник Бахрулла Жуманов. — Ойша Тўраева, Озода Шойимова сигирлари чорвадорлар ўзаро мусобақалашиб, боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан кўзда тутилганидан кўпроқ сут соғиб олишга эришмоқдалар.

Хўжаликда алмашлаб экиш қоидаларига қатъий амал қилинаётганлиги туфайли озуқа экинлари экиладиган майдонлар тобора кенгаймоқда. Оралиқ экин — перкодан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Озуқа мўллиги туфайли чорва маҳсулдорлиги ортяпти. Бу чорвадорлар ҳар бир сигирдан 3 минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини сўзсиз бажаришларидан далолат бериб турибди. Суратда: сут дарёсига барака киритаётган илғор чорвадорлардан О. Бўриева ва О. Шойимова.

Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ).

Диққат, тажриба

ЙИЛ ДАВОМИДА

● Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» ва «Хўжакент» ихтисослашган совхозларининг картошка етиштирувчилари учун омборхоналар зарур бўлмай қолди. Чотқол тизма тоғи этакларида денгиз сатҳидан 900 метр баландликда чўзилиб кетган одатдаги далалар ана шу омборларнинг ўрнини босди.

Деҳқонлар картошканинг ер тагида қишловини ташкил қилдилар. Кузда картошка кавлаб олинганидан кейин улар яхши сараланиб, қуритилди. Унинг бир қисми истеъмолчиларга жўнатилди, ностандарт картошка эса маккажўхори, лавлаги ва бошқа озуқабоп экинлардан бўшаб қолган ҳамда тўйимли моддалар билан бойитилган ва олдиндан тайёрлаб қўйилган майдонларга яна экилди. Ёмғир суви тўпланмаслиги учун картошка уруғи эгат олинмаган ерларга ўн беш сантиметр чуқурликда экилди. Қиш совуқлари бошланмасдан аввал ерга оширилган дозада органик ўғит солинди. Қалин тупроқ ва қор қатлами уруғликни совуқдан яхши сақлаб қолди. Ўтказилган экспериментлар тоғ шароитида картошка етиштиришнинг янги технологияси катта наф келтиришини кўрсатди. Кузда экилган картошка хосилини май ойининг охирида — одатдагидан йигирма кун барвақт кавлаб олиш имконини беради. Бундан ташқари ана шу усул пиёз ва кўкпоя учун маккажўхори экиш максадида майдонни анча барвақт бўшатиш имконини беради. Август ойида ана шу далаларга яна картошка экилади. Шу тариқа бу ерда далалардан бутун йил давомида фойдаланилади.

Ҳозир ана шу хўжаликларнинг картошка етиштириладиган тоғли майдонларида уруғ қийғос униб чиқди. Бунга эриган қорнинг тупроққа тўпланган нами ҳисобига эришилди. Механизаторлар эгат олиб культивация ўтказишди ва айни вақтда бу майдонларга майдаланган маҳаллий ўғит солишди.

Оҳангарон районидаги Будённий номли, Ворошилов номли, «Оҳангарон» совхозларининг ва Тошкент области тоғ этаги зонасидаги бошқа хўжаликларнинг картошка етиштирувчилари ҳам бўстонликларнинг тажрибасини ўрганиб олишди. (ЎзТАГ).

Ғўза шоналади

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг 12-алмашлаб экиш участкасида ғўза парвариши уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Айниқса, СССР Давлат мукофотининг лауреати М. Бегимқулова бошлиқ олтмиш центнерчи бригада далаларида парвариш агротехника қоидалари асосида юқори сифатли олиб борилгани туфайли ғўзалар шоналай бошлади.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

● ОЛТИНСОЙ. Райондаги «Олтинсой» совхозининг Менгтўра Иброҳимов бошлиқ пахтачилик бригадаси аъзолари гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилганлар. Ҳозир бригаданинг комплекс парваришдан чиқарилган ғўзалари дуркун ўсмоқда. С. Ҳакимов, М. Рамазонов, Ҳ. Иброҳимов ва бошқа дала меҳнатчилари кунлик графикни ортиғи билан бажармоқдалар.

И. МАМАТРАҲИМОВ.

▲ ПАСТДАРҒОМ. «Ленинобод» колхозининг Салим Маллаев бошлиқ 60 центнерчи бригадаси заршунослари ғўза парваришини кун сайин кучайтиришяпти. Эргаш Қодиров, Абдувафо Амировлар бошлиқ бригадалар ҳам мусобақада олдинда бормоқдалар. Хўжаликнинг барча бригадаларида учинчи комплекс парвариш ниҳоясига етказиляпти.

Ж. УЛМАСОВ.

● НАМАНГАН. «Ленинград» колхози деҳқонлари бу йил 8000 тонналик пахта хирмони учун курашмоқдалар. Ғўза қатор ораларига 46 та чопиқ трактори билан ишлов берилаётир. М. Усмонов, Х. Болтабоев ва бошқа механизаторлар кунига бир ярим нормадан ошириб иш бажараётирлар.

М. МИРЗААБДУЛЛАЕВ.
М. УЛМАСОВ.

* * *

Шунингдек, жамоатчи мухбирлардан хўжаободлик Р. Жуманиёзова, Киров районидаги Э. Муқимов, ғиждувонлик А. Аҳадов, риштонлик М. Алиматов ва М. Жамоловалар, пайариқлик Т. Абдуллаев, изосканлик А. Раҳмоновлар ҳам қишлоқ меҳнатчиларининг ибратли ишлари ҳақида ёзиб юборишган.

Чет эллар

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

МУҲИМ ОМИЛ

СОФИЯ. Ҳиндистон — Совет ҳамкорлиги — тинчликнинг муҳим омили бўлиб, у ҳеч қандай давлатга қарши қаратилган эмас, деди Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди «Работническо дело» газетасининг мухбири билан суҳбатда. Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг миллий манфаатларига нисбатан ҳамиша хайрихоҳлик билан ва тушуниб муносабатда бўлди. СССР энг қийин даврларда бизларга ёрдам берди, саноатнинг асосий тармоқларини вужудга келтиришда бизлар билан ҳамкорлик қилди. Иккала мамлакат ўртасидаги алоқалар тинмай мустаҳкамланмоқда.

Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи ҳозирги халқаро вазият тўғрисида гапириб, қуролланиш пойгаси ва ядро қуролларининг запаси тўпланаётганлиги ҳозирги вақтдаги энг муҳим проблемадир, деди. Мана шу мақсадлар учун ҳар йили юз миллиардлаб доллар сарфланмоқда, деб уқтирди у. Бу маблағларни тинч мақсадларга — очликни тугатишга, соғлиқни сақлаш системасини такомиллаштиришга ва ҳоказоларга сарфлаш мумкин бўлур эди.

ВЬЕТНАМ ВАТАН ФРОНТИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

ХАНОЙ. Вьетнам Ватан фронти Марказий Комитетининг Президиуми Вьетнам—Хитой чегарасидаги аҳвол тўғрисидаги ахборотни тинглади. Президиум Пекининг Вьетнам шимолидаги чегара районлари аҳолисига қарши қаратилган ҳамда ВСР суверенитети ва территориал бутунлигини бузаётган қуролли иғвогарликларини қатъиян қоралади.

Мажлис қатнашчилари вужудга келган ҳозирги шароитда осойишталик ва ҳушёрликни сақлаш, қуролли иғвогарликларга ва Хитой томонининг бошқа душманчилик ҳаракатларига муносиб зарба бериш зарурлигини таъкидладилар.

СВАПО — НАМИБИЯ ХАЛҚИНИНГ БИРДАН БИР ВАКИЛИ

ЛУАНДА. Лусакада СВАПО билан Жанубий Африка Республикаси ўртасида олиб борилган музокаралар Преториянинг айби билан муваффақиятсиз тугади, деб ёзади «Жорнал ди Ангола» газетаси. Жанубий Африка Республикасининг Намибиядаги қўғирчоқ «ички партиялар»ни СВАПО билан баб-баравар партиялар деб эътироф этиш, Куба қўшинларини Анголадан олиб чиқиб кетиш, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 435-резолюциясига «тузатиш» киритиш» тўғрисидаги сурбетларча талаби музокараларнинг барбод этилишига сабаб бўлди. Бу билан иқчилар —миллатлар ҳамжамиятининг Намибияда ўт очишни тўхтатишни, у ердан Жанубий Африка Республикаси қўшинлари олиб чиқиб кетилишини, улар устидан БМТ контроллиги ўрнатилишини қўзда тутувчи қарорини бажаришни истамаётганлигини намойиш қилдилар. 435-резолюцияда Куба қўшинларининг Анголадан олиб чиқиб кетилиши тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Чунки бу масаланинг Намибия проблемасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. БМТ СВАПОни Намибия халқининг бирдан бир қонуний вакили деб ҳисоблаб «ички партияларни» тан олмайди.

МУҲОКАМАДА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИ

ПХЕНЬЯН. Бу ерда иқтисодий ва илмий-техникавий масалалар билан шуғулланувчи Совет — Корея ҳукуматлараро маслаҳат комиссиясининг илмий-техникавий ҳамкорликка бағишланган доимий ишловчи кичик комиссиясининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Мазкур соҳада иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан биргаликдаги қарорлар қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди, 1984 йилги протокол, шунингдек, СССР ва КХДР халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб космик тадқиқотлар маълумотларидан фойдаланишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

(ТАСС).

УХВМ сессиясида

ПЕКИН, 22 май. (ТАСС). Олтинчи чақириқ Умумхитой халқ вакиллари мажлиси (УХВМ)нинг бу ерда ўт казилаётган иккинчи сессиясида ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Чжао Цзиян Хитой ҳукуматининг иши тўғрисида қилган доклад группалар бўйича муҳокама этилмоқда. Хитой ҳукуматининг бошлиғи мамлакатнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида гапириб, ХХР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи беш йиллик (1981—1985 йиллар) планининг асосий кўрсаткичларини тўла ва ошириб бажарилади, деган фикрни билдирди. Давлат Кенгашининг Бош министри халқ хўжалигида иқтисодий ва структуравий ислоҳотларни давом эттириш зарурлигини қтирди.

Чжао Цзиян «очиқ эшиклар» сиёсатига алоҳида тўхталиб, Хитой экономикасига чет эл капиталини жалб этишда «катта қадам қўйиш» зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда ҳозирдаёқ мавжуд тўртта алоҳида иқтисодий районда чет эл бизнеси ишларини кучайтириш ҳамда чет эллик корхона эгаларига денгиз бўйларидаги 14 та порт шаҳрига эшикни очиб қўйиш мўлжалланмоқда. Аҳнабий бизнесменларга уларнинг фаолияти учун иқтисодий имтиёзлар берилади ва қулай шароитлар яратилади.

ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Хитой ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини баён этиб берди.

ХХР Давлат план комитетининг раиси Сун Пин 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш давлат плани тўғрисидаги докладда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш суръатлари суст эканлигини, молиявий қийинчиликлар мавжудлигини уқтириб ўтди. 1984 йилги планда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни 4 процент, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни эса 5 процент ошириш кўзда тутилмоқда. 720 миллион тонна кўмир, 108 миллион тонна нефть қазиб чиқариш, 360 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиш мўлжалланмоқда. ХХР молия министри Ван Бинцянь бюджет тўғрисидаги докладда қайд этиб ўтганидек, шу молия йилида ҳаражатлар даромадлардан 3 миллиард юанлик ошиб кетади, чет эллардан қарз миқдори эса 5.1 миллиард юанга етади.

АРХЕОЛОГИЯ

ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

Миср археологлари Қоҳирадан унча узоқда бўлмаган районда — Саккара қадимий пирамидалари жойлашган ерда янги қизиқарли топилмаларни аниқлашди. Қоҳира университетининг экспедицияси бу янгиликларни очди.

Қалин қумлик қатлами остидан Янги шоҳлик даврига оид бўлган жасад солинган тобутлар топилди. Уларда шоҳ Рамзес II нинг қариндош-уруғлари ҳамда олий мартабали шахслар дафн этилган. Деворларда ёзилган ёзувлар ва расмлар олимлар диққатини ўзига жалб қилди. Суратда: олимлар топилмалар олдида.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ОЛАМГА САЁҲАТ

63 ёшли Курт Бьерклунд якшанба куни, 27 майда Швециянинг Хельсингборг портида елканли кемада жаҳон бўйлаб саёҳатга жўнайди.

Жасур Бьерклунд машҳур саёҳатчи. У илгари ер шарини уч йил давомида айланиб чиққан. Бу сафар эса у ўз она шаҳрига бир йилдан сўнг, Хельсингборг ўзининг 900 йиллигини нишонлаётган пайтда етиб келишни режалаштирди.

ТАБИИЙ ОФАТ

КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Неаполь аҳолиси ер силкинишидан чўчиб, ўз уйларини ташлаб ташқарига чиқди. Бу ерда Италияда қабул қилинган Меркалли шкаласи бўйича тўрт-беш балл куч билан ер силкинди.

Мамлакатнинг марказий ва жанубий областларида май ойида бўлиб ўтган кучли зилзила туфайли уч киши ҳалок бўлди, 63 киши қаттиқ жароҳатланди, 27 минг киши уй-жойсиз қолди. 170 шаҳар ва аҳоли пункти зилзиладан шикастланган.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

«КИТОБСЕВАР ЎҒРИЛАР»

Германия Федератив Республикаси кутубхоначилик институтининг маълумотларига кўра, мамлакатнинг турли кутубхоналарида китобларни ўғирлаш ҳоллари рўй беряпти. Кутубхоналардан ҳар йили иззсиз йўқолган 2 миллион томдан зиёд китоб «китобсевар ўғрилар» қўлига тушмоқда. Китоб фондини муҳофаза қилиш учун кутубхоналарда махсус электрон қўриқлаш системаларини ўрнатмоқдалар.

Вюрцбургдаги юридик кутубхонада ана шундай система биринчи бўлиб ўрнатилди. Унинг ёрдамида текшириш ишлари олиб борилди. Китоб ўғирловчиларнинг рўйхати бошида юристлар ва дин масалалари билан шуғулланувчи олимларнинг қайд этилиши ажабланарлидир.

НИГЕРИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ АЙТҒАНЛАРИ

ДОРУССАЛОМ. Нигерия ташқи ишлар министри И. Гамбарий Африка жанубий халқларининг озодлик кураши тўла қўллаб-қувватланади, деди. Министр Нигерия давлатининг бошлиғи М. Бухарийнинг Танзания президенти Ж. Ньеререга йўллаган мактуби муносабати билан бу ерга келди. Министр Намибияга мустақиллик бериш жараёни орқага сурилаётганлигига йўл қўйиб бўлмайди, деди ва мазкур проблема ишга тааллуқли бўлмаган бошқа масалалар билан «ҳал этилиши»га қарши чиқди.

(ТАСС).

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

● Япония полиция бош бошқармаси маълумотларига кўра, ҳозир мамлакатда жами сони юз мингга яқин киши бўлган 2330 та гангстерлик группаси иш кўрмоқда. Полициянинг гангстерларга қарши ўтказаётган операциялари одатда бирон-бир тузукроқ натижа бераётгани йўқ. Бунга сабаб шуки, тўда бошлиқлари «тартиб посбонлари» билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишган. Масалан, Осакада маъмурлар ўтган йили 120 нафар турли мансабдор полициячини ишдан бўшатиб юборишга ва жазолашга ҳам мажбур бўлишди. Бу полициячилар мўмайгина пора эвазига гангстерларни уларга қарши тайёрланаётган операциялар ҳақида хабардор қилиб туришган.

● Қўшма Штатлар федерал бюджетининг камомади шу молия йилида қариб 178 миллиард долларни ташкил этади. Ана шу маълумотларни эълон қилган маъмурий-бюджет бошқармаси кейинги йилларда ҳам бюджет камомади ана шундай юқори даражада сақланиб қолаверишини эътироф этди. Жумладан, 1985 йилда федерал бюджетдаги камомад қариб 180 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда. Федерал бюджетдаги сурункали номутаносибликка асосий сабаб — Рейган маъмурияти авж олдириб юборган қуроллариш пойгасидир. Ҳозирги маъмурият Американи «қайта қуроллантириш» деб аталган программа доирасида беш йил мобайнида икки триллиондан ортиқ доллар сарфлашни режалаштирмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР

ЖИЗЗАХ

ЙУЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Зоминнинг кўпчилик қишлоқлари район марказидан анча узоқда жойлашган. Бу эса район марказига борадиган йўловчилар учун қийинчилик туғдирар эди. Яқинда Зомин да «Район маркази — Бешбулоқ» янги маршрути бўйлаб автобус қатнай бошлади. Эндиликда «Туркман», Қовункесса, Бешбулоқ каби тоғ ичкарисидаги қишлоқлар аҳолиси ҳам район марказига бемалол бориб келиш имконига эга бўлди.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

● Жиззах шаҳар ЗАГС идорасида никоҳдан ўтиб бир олам қувонча тўлаётган бахтли ёшлар тинчлик фондига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Март, апрель ойларида шаҳар ЗАГСида рўйхатдан ўтган келин-куёвлар 500 сўмдан зиёд пулни Тинчлик фондига ўтказдилар.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОРАЗМ

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

● **Хонқа — областнинг энг кенжа шаҳарларидан бири. Бу ерда қурилиш ва ободончилик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.**

Янгидан уй-жой бинолари қад кўтарди, кўчалар, хиёбонлар кенгайтирилди, гулзорлар барпо этилди. Шунингдек, бу ерда йирик ун комбинати қурилмоқда. Яқинда шаҳарнинг кўркам жойида бир юз эллик ўринли янги ресторан ишга туширилди. Уни «Узкомстроймонтаж» бошқармасининг қўли гул қурувчилари бунёд этишди.

ОБИДАЛАРГА УМР БЕРИБ

● **Хоразм ўлкасининг тарихини ўрганиш ва қадимий ёдгорликларини муҳофаза қилиш борасида кейинги йилларда анча тадбирлар амалга оширилди.**

Хива тарихий музейидаги экспонатлар ва ёдгорликларнинг аксарияти хивалик усталар томонидан таъмирланиб, томошабинларга қайта тортиқ этилди.

Урганч шаҳрида Хива тарихий музейининг филиали очилиш арафасида. Ҳозир бундаги экспонатларни таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

А. ЭШМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

«МАРҒИЛОН ХАНДАСИ» САНЪАТ ОЛАМИДА

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳри азалдан ажойиб санъаткорларнинг, моҳир сўз усталарининг, раққос ва раққосаларнинг, халқ ҳофизларининг, аскияч-ю, қизиқчиларнинг маскани сифатида довруғ таратган. Бу ерда туғилиб ўсган жуда кўп ижодкорлар ўзбек совет санъатининг шаклланиши ва равнақига муносиб ҳисса қўшганлар. Масалан, Муҳиддин Қори Ёқубов, Юсуф қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Боборахим Мирзаев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳалима Комилова каби санъаткорлар ва уларнинг бетакрор ижрочилик маҳоратини, оригинал программа ва репертуарларини бутун республикамиз аҳли яхши билади ва қадрлайди. Тамарахоним, Саодат Қобулова, Берта Давидова, Малоҳат Исҳоқова, Лизахоним Петросова, Розия Каримова каби маданият арбобларини ҳам марғилонликлар фахр билан ҳамюртимиз, ҳамшаҳримиз деб тилга олишади, эъзозлашади.

Табийки, юқорида номлари таъкидланган санъаткорларнинг ижодий жиҳатдан камолотга эришувида Марғилон шаҳрининг ажойиб муҳити, маданияти парварлиги, халқининг дилбар ва дилкашлиги катта роль ўйнаган. Шаҳар партия комитети ижроия комитети ва унинг маданият бўлимининг асосий шиорларидан бири юксак бадиий маданият учун курашдир, изланишдир.

Ана шу жонкуярлик ва изланиш туфайли яқинда шаҳарда «Марғилон хандаси» деб номланган ансамбль ташкил этилди. Янги бадиий коллективнинг программасидан халқимизнинг севимли куй ва қўшиқлари, классик ашулалар, ялла ва лапарлар, қувноқ интермедиялар, пародиялар ўрин олган. Ансамблга Марғилон шаҳридаги музика мактабининг директори, истеъдодли бастакор Мамасиддиқ Маъдалиев раҳбарлик қилмоқда.

Ансамбль қатнашчилари орасида ўзининг ичак узди, ҳозиржавоб аскиялари, сўз ўйинлари билан танилган Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар, Юсуф қизиқнинг шогирдларидан Орифжон Усмонов, шунингдек, Ҳотамжон Тешабоев, Сиддиқжон Шеряевлар бор.

«Марғилон хандаси»нинг биринчи программаси намойиш этилди. Уни томоша қилган оддий кишилар, маданият ходимлари, санъатшунослар халқ санъаткорларининг изланишига юксак баҳо беришди.

Ансамблни ташкил этиш ишларида қатнашганимдан, унинг учун бир нечта рақс саҳналаштириб берганлигимдан фахрланаман. Коллективда бир нечта шогирдларим ҳам иштирок этмоқда.

Оқ йўл, «Марғилон хандаси»! Халқимизни хурсанд этавер.

Гавҳар РАҲИМОВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

УСТА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига

● **ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ АРДОҚЛАБ**

● **ЙИРИК ҚЎРГАЗМАЛАР ИШТИРОКЧИСИ**

● **РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА**

▲ Фарғонадаги биринчи шаҳар маданият уйида Риштон керамика заводнинг устаси, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, СССР Рассомлар союзи аъзоси Шарофиддин Юсуповнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган ранг-баранг буюмларни бу ерга келувчилар зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Шарофиддин Юсуповнинг номи фақат республикамизда эмас, Иттифоқимизда ҳам машҳур. Унинг юксак дид билан ишлаган буюмлари турли кўргазмаларда юксак баҳо олган. Ватанимиз пойтахти — Москвадаги Шарқ халқлари санъати давлат музейида, Тошкентдаги Ўзбекистон ССР давлат санъат музейида Ш. Юсупов ишлаган буюмларни кўрасиз. Хорижий мамлакатлар — Франция, Финляндия, Италия, Туркия, Югославия ва Австрияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ҳам Ш. Юсупов яратган, турли нақшлар туширилган лаганлар, вазалар, идиш-товоқлар намойиш этилган.

Уста томонидан ишланган лаган, ваза, турли-туман идиш-товоқларга назар ташласангиз, у халқимизнинг бой анъаналарини бойитаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бўёқларнинг танланиши, нақшларнинг чизилиши эътиборга лойиқдир. Мовий осмон рангидаги нақшлар қуёш нурларида жилвланади, кишида завқ-шавқ уйғотади.

— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрламоқдамиз, — дейди Ш. Юсупов. — Заводимизда шонли санага бағишлаб маҳсулотлар чиқарилади. Бундай маҳсулотлар йил сайин кўпайиб бораётганлиги ғоятда қувончлидир. Халқ амалий санъатини ривожлантириш ишига ўз ҳиссамни қўшаётганлигим билан фахрланаман.



Суратларда: 1. Уста Ш. Юсупов иш устида. 2. Нафис буюмлардан намуналар.

Ш. Олимов фотолари. (ЎзТАГ).

Ўқинг, қизиқ

МЕТЕОРИТ ҚАЕРГА ТУШДИ?

▲ Шу йил 31 январь куни Ўрта Осиёнинг кўпчилик аҳолиси табиатнинг нодир бир ҳодисаси — катта метеорит тушганлигининг гувоҳи бўлди. Тошкент вақти билан тахминан соат 23 дан 56 минут ўтганда осмондан ёрқин олов шар учиб ўтди. У уфққа яқинлашгач, бир неча бўлакка ажради ва шу бўлаклар ерга тушди.

Ҳозир СССР Фанлар академияси Метеоритлар комитетининг илмий ходимлари қоннот «элчиси»ни зўр бериб қидирмоқдалар.

— Ҳар йили планетамизнинг юзига икки мингтага яқин метеорит тушса-да, шулардан атиги бир нечтасигина олимлар қўлига келиб етади, — деди комитет ходими Р. Хотинок. — Таассуфки, уларнинг қарийб ҳаммаси денгиз ва океанларда, чўл ва тоғларда йўқолиб кетади. Ҳолбуки, метеоритлар илм-фан учун ғоят қиммматлидир. Чунки, у Қуёш системасининг энг қадимги моддаси бўлиб, уни ўрганиш шу система эволюциясини тушуниб етишга ёрдам беради.

Одатда «Учар юлдуз» тушганлигини кўнгилли ёрдамчиларимиз — астрономия ҳаваскорларининг хабарлари туфайли тасодифан билиб қоламиз. Лекин бундай хабарлар баъзида оз бўлади. Бу сафар ҳам шундай бўлди — ҳозирча ўз кўзи билан кўрган кишининг биргина тафсилий баёнига эгамиз. Урганчлик Р. Каримов шуни айтди. У метеоритни жануби-шарқий томонда кўрган. Чунончи, Болид шимол сари ҳаракат қилган. Биз метеорит Ўзбекистон территориясига, аниқроқ қилиб айтсак, Бухоро областига тушган деб бемалол тахмин қила оламиз. Аммо у Самарқанд, Газли, Навоий, Зарафшон, Қарши, Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳар ва посёлкалар районларида ҳам кўзга яққол кўриниб турган.

Ходимлар метеоритни излашда ёрдам берадиган ҳар бир кишидан миннатдор бўладилар. Комитетнинг адреси: Москва, 117313, СССР Фанлар академиясининг Метеоритлар комитети.

(ТАСС мухбири).

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

АҲОЛИ МАМНУН

● **Қашқадарё областида аҳолига «зангори экран» хизмати кўрсатиш кун сайин яхшиланмоқда.**

Яқинда Қарши шаҳрида чет элда ишлаб чиқарилган радио, телевизор ва магнитафонларни тузатадиган ремонт устахонаси иш бошлади. Унда тажрибали механиклар аҳолига хизмат кўрсатаётир.

Бу билан областда ремонт устахоналари тармоғи анча кенгайди. Жумладан, Ульянов районидаги «Ғалаба», Нишон районидаги Карл Маркс номли, Қамаши районидаги «Чимқўрғон» совхозлари, Косон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози, Баҳористон район марказида ҳам шундай устахоналар очилди. Бу йил аҳолига 1 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиши керак. Ун биринчи беш йилликнинг охирига бориб бирлашма тармоғига кирувчи устахоналар 100 тага етказилади. Натижада аҳолига 1 миллион 300 минг сўмлик хизмат кўрсатиш имконияти туғилади. Шу мақсадда замонавий типда йирик «зангори экран» устахоналари барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ).

МАРДЛИК МАДҲИЯСИ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

Улуғ Ватан уруши йилларидан хотира бўлиб қолган нарсалар ҳар бир хонадонда нодир ёдгорлик сифатида авайлаб сақланяпти. Булар солдатнинг туморча шаклида ёзган хатлари ёки жангда кўрсатган жасорати учун берилган тақдирномалар, орден ва медаллари...

Ана шундай қутлуғ хат ва бошқа ҳужжатлардан бири тошкентлик Умар Жамиловнинг хонадонида 38 йилдан буён сақланмоқда. Бу нодир ёдгорликларнинг ҳар бири жанговар йиллар воқеаларини эсга солади.

Марҳум жангчи Умар Жамиловнинг ўғли Дилшод Жамилов қуйидаги мактубни энг азиз ёдгорлик сифатида сақламоқда.

«Қуролдош дўстимиз Умар Жамиловнинг онасига.

У. Жамилов шу йил 23 февраль — Совет Армияси куни кечаси штабни душман айғоқчиларидан ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Биз қуролдош дўстимиз У. Жамилов ва яна бир неча жангчини мактаб рўпарасидаги тепаликка дафн этдик. Вақти келиб биродаримиз қабрини зиёрат қилгани келсангиз, унинг жасадини шу ердан топасиз.

Скудовск шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг бир группа ўқитувчилари. 25 февраль, 1945 йил».

Воқеа бундай бўлган эди: Рига шаҳри немис-фашистларидан 1944 йилнинг октябрь ойида озод қилинган бўлса-да, лекин Латвияни атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда босқинчилар яшириён ҳолда Совет Армияси соқчиларига қўққисдан ҳужум қилиб турганлар. Умар Жамилов эса Скудовск шаҳрида комендант бўлган. Совет Армияси куни душман пайт пойлаб ҳужум қилган. Ана шу жангда Умаржон бошлиқ уч жангчи қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Яқинда Дилшод Жамилов Скудовскдаги мактаб ўқитувчиларига мактуб йўллади. Кўп ўтмай хатга тубандаги мазмунда жавоб келди: «... Биз У. Жамиловнинг ўша вақтда дафн маросимида қатнашган кекса ўқитувчилар билан суҳбатлашиб сизга ушбу мактубни йўллаётирмиз.

Умар Жамилов 1945 йил 23 февралга ўтар кечаси фашист-босқинчилари билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган экан. Қаҳрамоннинг жасади ўша вақтда штаб бўлган мактабимиз олдидаги тепаликка дафн этилган. 1965 йилда Скудовск шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан лейтенант Умар Жамилов ва унинг қуролдош дўстлари лейтенант Геннадий Николаевич Иванов, гвардия капитани Моисей Наумович Поляков, ефрейтор Маҳмуд Муҳаммаджонович Алимбеков каби ватандошларимизнинг ҳоки у ердан олиниб «Биродарлик қабристони»га дафн этилди ва ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорлик атрофида гулзор барпо этилган. Мактабимиз ўқувчилари ана шу анвойи гулларни доимо меҳр билан парвариш қиладилар.

Сизларнинг қайғудош дўстларингиз».

Умар ака Жамилов Улуғ Ватан уруши бошланганда 33 ёшга тўлган навқирон йигит эди. Меҳнатсевар коммунист Тошкентдаги В. И. Ленин номли педагогика билим юртида ўқитувчилик қиларди. Мен ҳам у кишининг талабаларидаман. Умар ака ҳам кўплар қатори Ватан ҳимоясига отланди. У фронтнинг энг оғир участкаларида бўлди. Сталинград жангида, Қрим операцияларида, Болтиқ бўйи фронтида немис-фашист босқинчиларига қарши курашда ўзини кўрсатди. У оддий солдатликдан лейтенант даражасига кўтарилди. У. Жамилов Скудовск шаҳрини душмандан тозалашда кўрсатган жасорати эвазига «Жасурлиги учун» медали билан ва вафотидан сўнг I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган эди.

Ғалаба кунлари яқинлашиб қолганлигини сезган Умар ака умр йўлдоши Маҳфуза опага қуйидаги мазмунда хат ёзган эди:

«Вафодорим Маҳфуза! Уруш тугаш арафасида. Мана тўрт йилдирки, оғир жангларни бошдан кечириб, юзлаб шаҳар ва қишлоқларни гитлерчилардан озод қилдик. Ғалаба кунлари яқин. Тез кунда дийдор кўришиб қолармиз. Хайр, мен учун севикли фарзандларим — Шоҳида ва Дилшодни ўпиб қўй».

Афсуски, бу Умаржон аканинг сўнгги хати эди. Турмуш ўртоғининг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги «қора хат»ни олган Маҳфуза опа қаттиқ қайғурди. Аммо, начора. У оғир дамларни сабот ва матонат билан енгди. Умаржондан энг азиз ёдгорлик бўлиб қолган қизи Шоҳида ва ўғли Дилшодни бағрига босиб катта қилди, тарбиялади ва ўқитди. Тақдирни қарангки менга билим юртида таълим берган устозим Умаржон аканинг ўғли Дилшодга ўрта мактабда дарс бердим.

Ўтган йили Дилшод онаси ва опаси билан Скудовск шаҳрига бориб отасининг қабрини зиёрат қилиб қайтишди. Она-Ватан озодлиги, халқ бахт-саодати йўлида ҳалок бўлган жангчилар хотирасини эъзозлаётган латвиялик дўстларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиришди.

Умаржон ака тирик бўлганда 75 баҳорни қаршиларди. 10 га яқин набирага эга бўлган Маҳфуза опа ана шуларни ўйлаб баъзан кўз ёши қилиб олади. Набираларига бобоси ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Ҳ. ЙУЛДОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ВЕЛОПОЙГА: ГДР, ЧССР, ва Польша йўллари бўйлаб ўтказилган Тинчлик кўп кунлик велосипед пойраси якунланди. СССР терма командаси 17-марта ғалаба қозонди. Шахсий ҳисобда ленинградлик С. Сухоручеков ғолиблик супасининг биринчи поғонасини эгаллади. Катта пойгада биринчи марта қатнашган фарғоналик С. Воронин юздан ортиқ спортчи орасида тўққизинчи ўринни эгаллаб, командадошлари П. Угрюмов, О. Логвин, В. Демиденко, С. Усламин ва С. Сухорученковлар эришган ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

● ЧИМ ХОККЕЙ: Андижонда биринчи лига аёллар командалари ўртасида дастлабки учрашувларга якун ясалди. Икки тур ўйинлардан кейин пойтахт спартакчилари 21, Гродноннинг «Химик» ва Тирасполнинг «Текстильщик» коллективлари 16 ва самарқандлик «Чевар» хоккейчилари 15 тадан очко билан ҳал қилувчи учрашувларга йўлланма олишди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● БИРИНЧИ ЛИГА. Ун биринчи тур учрашувларида чемпионат пешқадами «Металлург» дам олди. Унинг ҳисобида 15 та очко бор. Иккинчи ўринда бораётган Душанбанинг «Помир» коллективи «Заря» (Ворошиловград) футболчилари билан учрашиб (1:1), ўн беш очко билан биринчи ўринга кўтарилди. Жиззахнинг «Звезда» командаси учинчи ўринни эгаллаб турган «Факел» (Воронеж) билан учрашиб (0:0), очколарни саккизтага етказган ҳолда икки поғона юқорига кўтарилди.

● ИККИНЧИ ЛИГА. 12-тур учрашувларидан кейин Самарқанд динамочилари 17 очко билан ягона пешқадам бўлиб олишди. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси Фрунзенинг «Олга» футболчилари меҳмони бўлиб (0:2), очколарини 16 тага етказди. 15 очколи «Соҳибкор» бу гал дам олди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

27 МАЙ СОАТ 8.00 да ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ С. М. КИРОВ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ОВЧИ ИТЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

КИРИШ БЕПУЛ.

Овчи итларнинг эгалари итнинг келиб чиқиши ҳақида гувоҳнома ва дала дипломларини, қутириш ва ўлат касаллигига қарши эмлашлар кўрсатилган ветеринария паспорти, итнинг соғлиги тўғрисида ветеринария-даволаш муассасаси томонидан кўргазма очилишидан 3 кун олдин берилган справкани олиб келишлари лозим.

«УЗБЕКОХОТРИБОЛОВСТВО».

●

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

Совет Болтиқбўйи шаҳарлари бўйлаб самолётда қизиқарли саёҳатга

ЧОРЛАЙДИ

МАДОНА ШАҲРИ — «Саулескалнс» туристик базаси (Латвия ССР, Рига шаҳридан 150 километр масофада жойлашган) — **3—15 июнь кунлари.**

Путевка баҳоси — 310 сўм.

ВИЗУ-СААРЕМАА (Таллин шаҳридан 75 километр масофада жойлашган) — **3—12 июнь кунлари.**

Путевка баҳоси — 240 сўм.

КЛАЙПЕДА-РОКИШКИС — 18 ИЮНЬ — 1 ИЮЛЬ кунлари.

Путевка баҳоси — 290 сўм.

ЗАРАСАЙ (Литва) — 1—10 июнь кунлари, 21—30 июнь кунлари.

Путевка баҳоси — 240 сўм.

ТРАКАЙ — ЗАРАСАЙ — 17 — 28 июнь кунлари.

Путевка баҳоси — 260 сўм.

КАПСУКАС — БИРШТОНАС (Литва) — **10—20 июнь кунлари.**

Путёвка баҳоси — 240 сўм.

ПЯРНУ (Эстония) — **1—10 июнь кунлари.**

Путёвка баҳоси — 260 сўм.

КАУНАС — ШЯУЛЯЙ (Литва) — **4—16 июнь кунлари.**

Путевка баҳоси — 275 сўм.

КАУНАС — АЛИТУС — МОСКВА — («Салют» меҳмонхонаси) — **8—33 июнь кунлари.**

Путевка баҳоси — 345 сўм.

Путевка баҳосига самолётда бориш ва келиш, маршрут орасидаги учишлар, яшаш, овқатланиш, экскурсия хизмати ҳақлари киритилган.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар аллеяси, 5-уй. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/V да **Отелло** (премьера) 19.30, 25/V да **Келинлар қўзғолони**, 26/V да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/V да **Ёшликда берган кўнгил**, 25/V да **Тўйдан олдин томоша**, 26/V да **Тошболта ошиқ.**

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1927 йилдан буён КПСС аъзоси

Йўлдош ТОШҚОРИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги коллегияси ва коллективи маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғи Ҳ. К. Муҳамедова онаси

Рихси ОРИФЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 МАЙ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 9.55 — Моҳир қўллар. 10.25 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 3-фильмнинг 2-серияси. 11.35 — Телефильмлар. 12.10 — Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.10 — Фильм-концерт. 16.35 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.10 — Концерт залида — мактаб ўқувчилари. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Халқ қуйлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ёзувчи ва ҳаёт. 20.20 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 4-фильмнинг 1-серияси. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё ва ёшлар. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.55 — Москва бўйлаб саёҳат 11.05 — К. Г. Паустовский. Мещчера томони. 12.00 — Эҳтиёт бўлинг, водород! Илмий-оммабоп фильм. 12.10 — Онамларнинг мактаби. 13.10 — Сен қонунни биласанми. 14.20 — Карл Маркс. Ўсмирнинг касб танлаш пайтидаги ўйлари. 14.50 — Тўртинчи баландлик. Бадиий фильм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Телефильм. 19.05 — Учиш кечиктирилди. Бадиий фильм. 20.45 — Шоир Антал Гидаш. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. Черноморец — Спартак.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Советлар мамлакатининг кишилари. 11.30 — Регистон узра қуйлар. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.10 — Сўз кетидан сўз келар. 18.30 — Ешлик. 19.05 — Реконструкция суръати ошмоқда. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Олам дарди адиб қалбида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ғўза парваришига — аъло сифат. 22.20 — Ер фарзанди. 23.40 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15— МОСКВА-II. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Марш янграмоқда. 19.50 — Пионерия. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.40 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — МОСКВА-II.

25 МАЙ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт залида — мактаб ўқувчилари. 10.30 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 4-фильмнинг 1-серияси. 11.40 — Жаҳон музейлари бўйлаб. 12.25 — Адажио ва вариациялар. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Телеочерк. 16.30 — Билимимиз — қудратимиз. 16.50 — Рус тили. 17.20 — Қувноқ стартлар. 18.05 — Баҳор байрами. 18.30 — Е. Евтушенко шеърлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳамдўстлик. 20.00 — Духовой оркестр чалади. 20.10 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 4-фильмнинг 2-серияси. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Қишлоқ хўжалиги. Киножурнал. 12.05 — Илмий-оммабоп фильм. 14.40 — Совет тасвирий санъати. 15.10 — Габриэль Гарсиа Маркес. Асарлари саҳифаларида. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Саҳифалар. Бадиий фильм. 20.10 — Концерт. 20.45 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 21.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. СССР — Люксембург. 23.35 — Камондан ўқ отиш бўйича Баҳор камалаклари халқаро мусобақалари.

ТОШКЕНТ-I. 15.00 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига ҳамда Улуғ Ватан уруши даврида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари педагогика ўқув юртлари ўқувчилари ва студентларининг VI республика ашула байрами 17.00 — Болалар учун фильмлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Ешлик. 19.10 — Телефильм 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Бугун оламда нима гап? 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Инсон ва замин. 23.20 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15— МОСКВА-II. 18.30 — Экономика тежамли бўлиши керак 19.00 — Инсон ва табиат. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Китоб дўстлари. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

24 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Ялла» ансамбли ижро этади. 9.30 — Халқ талантлари концерти. 11.15 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Малши. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Арфа ижроси учун пьесалар. 19.25 — Юность Узбекистана. 20.15 — Кинофестиваль ҳамроҳи. 20.50 — Африка озодлиги кунига. 21.00 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 21.20 — Концерт. 22.30 — Лазги ансамбли ижро этади. 23.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. АСК (Ростов-Дон) — «Пахтакор».

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. — 14026. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 118. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12